



ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ВОКАЛ-ХОР АСАРЛАРИДА ФОНЕТИКАГА ОИД МУАММОЛАР

Раҳманов Асатилла Иззатилла ўғли

Ўзбекистон давлат консерваторияси
Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва
маърифат бўлими бошлиғи.

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-yanvar 2024 yil

Ma'qullandi: 15-yanvar 2024 yil

Nashr qilindi: 19-yanvar 2024 yil

KEY WORDS

Фонетика – юнонча, *phonetikos* сўзи асносида таржима қилинганда, товушга оид, овозли деган маънони билдиради.

ABSTRACT

Фонетика мақоми нафақат хор санъати балки, бутун мусиқий оҳанг негизда йўғрилган муҳим омил саналади. Мусиқа олами товушларсиз яралмас экан, вокал, хор шунингдек, чолғу ижрочиларимизнинг фонетик унсурлар асосида барпо этиладиган санъат асарларини шубхасиз, ижро эта олмайдилар.

Хор – бу катта вокал ижрочилиги жамоаси бўлиб, у ўз санъати орқали ижро этилаётган асар мазмуни ва шаклини ҳаққонийлик ила, бадий жиҳатдан тўлақонли очиб беради ва ўзининг ижодий фаолияти билан халқ оммасини ғоявий, бадий жиҳатдан тарбиялашга қодир бўлади. Хор мусиқий ижрочилик “чолғуси” сифатида вокал унисонлари ансамблини намоён этади¹. Демак, чолғу сифатида айнан вокал оҳангини илгари сурилар экан, фонетик унсурларнинг муҳим омиллари инсон нутқи ва товушидан келиб чиқади. Аввало, фонетика бу нима деган савол туғилади.

✓ Фонетика – юнонча, *phonetikos* сўзи асносида таржима қилинганда, товушга оид, овозли деган маънони билдиради.

Фонетика мақоми нафақат хор санъати балки, бутун мусиқий оҳанг негизда йўғрилган муҳим омил саналади. Мусиқа олами товушларсиз яралмас экан, вокал, хор шунингдек, чолғу ижрочиларимизнинг фонетик унсурлар асосида барпо этиладиган санъат асарларини шубхасиз, ижро эта олмайдилар.

Мукамал соф хор жарангини 3 та асосий унсур: ансамбл, фонетика, нюанслар яратиб беради. Уларни жадвал² кўринишида тақдим этамиз:

Унсурлар	Унсурлар хусусиятлари	Натижа
Ансамбл	Ҳар бир партиядаги бир маромлилик, қуйилувчанлик, уларнинг ансамблдаги ўзаро муносабат	Яхлитлик, мувозанатлилик, мослашувчанлик

¹ Краснощеков В.И. Вопросы и хороведения. – М., 1969. – с.81-82

² S.P.Kadirova. Xorshunoslik boshlang., ich kursi T. "Musiq" 2015

Фонетика	Созлилик, ўлчамлилик, аниқлик	Гўзаллик, софлик, интонациянинг аниқлиги
Нюанслар	Дирижёр кўрсатмаларини идрок этиш ва ижро қилиш	Тафаккур этиш ва ижро ифодавийлиги

“Хор партияси хорнинг асосий ва сон жиҳатдан минимал бўлган тузилмавий бирлиги ҳисобланади. У ўзида хонандаларнинг товуш кўлами ва товуш чиройи (тембр)нинг умумий параметрларда олиб қараганда нисбий жиҳатдан бир хил бўлган ҳамжиҳатликдаги ансамблини намоён этади ва фақатгина хор партияси (хонандалар гуруҳи)дан хор фонетикасининг (кўпгина нуқтаи назар томондан) шаклланиши бошланади. Хор партияси дирижёр ишининг асарлардаги ансамбль ва сознинг тузилиши, бадий жилосини яратишда бирламчи объект сифатида акс этади”³.

Хор фонетикаси тушунчаси бўлинмасдир: бу садолантиришнинг ягона жараёни бўлиб, унинг барча таркибий қисмлари ўзаро узвий боғланган. Шу боис хор фонетикасининг турлари хусусида шартли равишда сўзлаш мумкин: **мелодик** (хор партиясининг горизонтал фонетикаси) ва **гармоник** (умумхор партияларининг вертикал фонетикаси). Аммо у ёки бошқасининг асосида ягона лад асоси ётади – хусусан лад⁴ тонлари тортишувининг муайян тизимида намоён бўлувчи мусиқа. Шу сабаб, асарнинг хор сози устида ишлаш давомида асосий эътибор, лад-гармоник омилларга, хусусан, диатоника, хроматика, оғишмалар, модуляция, ўзаро қарама-қаршиликлар кабиларга қаратилади.

Ижро амалиётида лад поғоналарини тўғри куйлаш усули билан боғлиқ муайянқонуниятлар жорий бўлди. Шу тариқа, турғун товушлар турғун, нотурғун товушлар эса нотурғун тарзда куйланади, юқорилаш ёки пастлашга мойиллик билан. Баъзи қонуниятлар шунингдек, юқорилувчи ва пастловчи ҳаракатдаги мажорладли (табиий ва гармоник) поғоналарни куйлашга ҳамда юқорилувчи ва пастловчиҳаракатдаги минор ладли (табиий, гармоник ва мелодик) поғоналарни куйлашга ҳамтааллуқлидир.

П.Г.Чесноков, Г.А.Дмитревский, К.К.Пигров, И.И.Пономарков, В.Г.Соколов,Н.В.Романовский, В.И.Красношеков ва бошқа хормейстер-амалиётчилар ишларида вокал-хор фонетикасига оид талайгина қизиқарли кузатувлар ва тавсиялар мавжуд.Улардаги лад поғоналари, мажор ва минордаги мелодик интервалларни садолаш борасидаги тавсиялар катта қийматга эга. Асосий ҳолатларни қисқача баён этамиз:

Мажор ладида I поғона турғун садоланади. II поғонани юқорилувчи секундали ҳаракатда баланд, пастловчи ҳаракатда эса паст садолаш лозим. III поғона аввалги товуш билан қандай интервал ҳосил қилишидан қатъий назар доимо баланд

³В.А.Самарин Хороведение М.2011г

⁴Лад (славянча – уйғунлик, тартиблилик) – парда; турли баландликдаги мусиқа товушларининг тизимли муносабати. Турғун поғоналарнинг нотурғунлари билан ўзаро боғлиқлигига асосланади. Лад энг барқарор, таянчли поғона – тоника бўлиб, у асосий тоналликни белгилайди. Товушлар (поғоналар) сони, интерваллар нисбати, ифодавийлик имкониятлари билан фаркланадиган кўп ладлар мавжуд (масалан, замонавий лад – табиий ва гармоник мажор; табиий, гармоник вamelодик минор; халқ мусикасининг диатоник ладлари: ионий, дорий, фригий, лидий, миксолидий, эолий, локрий; пентатоника ваб.). Хонандалар томонидан лад қонуниятларининг тўғри ҳис этилиши – хор фонетикасини тузиш, ижронинг ифодалилигини оширишдагимухим омиллардан биридир.

садоланади, боиси у тоника учтовушлигининг терциясидир. IV поғона юқорилловчи ҳаракат вақтида бироз кўтарилишни, пастловчи ҳаракатда эса пастлашувни талаб этади. V поғона турғун, бироз кўтарилишга мойиллик билан садоланади, сабаби у лад квинтаси ва тоника учтовушлиги саналади. VI поғонани юқорилловчи секундали ҳаракатда (яъни, бешинчи поғонадан бошлаб) баланд куйлаш, пастловчи ҳаракатда эса (еттинчи поғонадан бошлаб) паст садолаш керак. VII поғона етакчи тон сифатида доимо баланд садоланади. Гармоник мажор VI поғонаси табиий мажорнинг шу поғонасига нисбатан пасайтирилган босқич бўлиб, у пастга мойиллик билан садоланиши керак.

Минор ладида I поғонани гарчи у тониканинг асосий товуши бўлса-да, баланд куйлаш лозим. II поғона ҳам баланд. III поғона – паст садоланади. IV поғона унга томон пастдан ҳаракатланганда (учинчи поғонадан) баланд, юқоридан ҳаракатланганда паст садоланади. Параллел мажорнинг учинчи поғонаси бўлган V поғонани баланд садолаш керак. Табиий минорнинг VI поғонаси паст, мелодик минорнинг VI поғонаси эса баланд садоланади. Табиий минорнинг VII поғонасини паст, мелодик ва гармоник минорнинг шу поғонасини эса баланд садолаш лозим.

Ижрочилик фонетикасининг температурацияланганидан фарқи кўпроқ у ёки бу поғона ажраётган лад ва функцияга боғлиқ. Бир поғонанинг ўзи ладга хос бўлган ички тортишувларга қараб мутлақо о,згача садоланади. Соз устида ишлар эканлар, дирижёрлар садо (фонетика) ёрдамида энг яхши йўл билан мусиқанинг лад асосини, унинг ўзига хослиги ва спецификасини ажратиб кўрсатишга интилишади.

Температурацияланган созда барча номдош интерваллар ўзаро тенгдир. Қайдэтилмаган (ёзилмаган) товуш баландлигини куйлаш ва чолғуда чалиш бошқамасала. Бу ерда интервал миқдори одатда интервал товушларига кирувчи ладмоҳиятига қараб зона доирасида ўзгаради. Хормейстерлар билиши лозим бўлган турли хил интервалларни (тўғри) садолантиришнинг баъзи бир хусусиятлари ҳам шунга боғлиқ:

- Соф интерваллар кенгайиш ва торайишни талаб этмаган ҳолда, турғун садоланади.
- Катта интерваллар бир томонлама кенгайиш усули бўйича садоланади. Юқорилловчи ҳаракатда пастки товуш турғун, юқоригиси эса юқориллашга мойиллик билан куйланади. Пастловчи ҳаракатда юқорги товуш турғун, пасткиси эса пастлашга мойиллик билан садоланади.
- Кичик интерваллар бир томонлама торайиш усули бўйича садоланади. Юқорилловчи ҳаракатда пастки товуш барқарор, юқоригиси эса пастлашишга мойиллик билан садоланади. Пастловчи ҳаракатда юқорги товуш барқарор, пасткиси эса юқориллашга мойиллик билан садоланади.
- Орттирилган интерваллар иккитомонлама кенгайиш усули бўйича садоланади. Юқорилловчи ва пастловчи ҳаракатларда пастки товуш пастлашишга мойил бўлиб, юқорги товуш эса юқориллашга мойил бўлиб, қарама-қарши йўналишларда кучайтирилган мойилликни яратган ҳолда ижро этилади.
- Камайтирилган интерваллар икки томонлама торайиш усули бўйича садоланади. Юқорилловчи ва пастловчи ҳаракатларда пастки товуш

юқорилашга тиришиб, юқорги товуш эса пастлашга мойиллик билан ижро этилади.

Юқорида қайд этилганидек, диатоник интерваллар асос ва чўққининг хроматик ярим тонга юқорилаши ёки пастлаши орқали кенгаяди ёки тораяди, бу эса кичик секундаларни онгли равишда (фонетик) садолаш малакасини эгаллаш муҳимлигини оширади. Акустик тадқиқотлар шуни аниқладики, уларни (фонетик) садолаш усуллари уларнинг юқориловчи ёки пастловчи эканликларига боғлиқ. Ярм тон юқорига (фонетик) куйлаш бир мунча кўпроқ қийинчилик туғдиради. Бу шуниси билан боғлиқки, етакчи тоннинг кичик секунда юқорига ҳаракатланиши вақтида унинг юқорилашга бўлган табиий талаби юзага келади. Бироқ, унинг амалга оширилиши ҳарсафар аниқ вазиятга боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, агар нисбий барқарорликка эга бўлган интервал (соф кварта, соф квинта) ярим тонли юришдан аввал келган бўлса, у ҳолда юқорилашга бўлган талаб энг қисқадир. Агарки, олдинги интервал ижроси кенг интонацион зонани тавсифлаб берса, у ҳолда талаб ўсиб кетади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. В.И.Красношеков. Вопросы и хороведения. М.. 1969 й.
2. С.П.Кадирова. Хоршунослик бошланғич курси Т..2015 й.
3. В.А.Самарин. Хороведение. М.. 2011 й.

INNOVATIVE
ACADEMY